

## ТЕХНОЛОГИЯ ФАНИДАН ЎҚУВЧИЛАР ИЖОДКОРЛИК ҚОБИЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННАВАЦИОН УСУЛЛАРИ

*Холиқова С. - ГулДУ ўқитувчиси  
Исматова С. - ГулДУ талабаси*

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Технология фани жараёнида ўқувчиларнинг ижодкорлик қобилиятини ривожлантиришнинг ўзига хослиги ундаги эътибога олинган жихатлар хақида сўз юритилган.

**Калит сўзлар;** меҳнатсеварлик, ижодкорлик, тадбиркорлик, услуб, кашфиёт, ихтиро, рационализаторлик, инновацион, эффект, функсия, дизайнер, меҳнат, касб олами, креатив, техник фикрлаш.

Умумтаълим мактабларида технология фани ўқитувчилари ўзларини иккинчи даражали фан ўқитувчиси деб ҳис қилмасликлари ва ушби фанни чуқур эгаллаган ҳолда ўқувчиларда ҳам фанга қизиқиш уйғота олишлари керак. Технология фани ўқитувчилари дарс ўтиш жараёнида ушбу фаннинг жамиятдаги ўрни ва мазмун-моҳияти, фаннинг ўқитилишдаги мақсадларини ўзлари теран ҳис этишлари ва шу билан бирга ўқувчиларга меҳнатсеварликни, ижодкорликни ва қайсидир маънода тадбиркорликни ўргатишлари лозим. Технология фани ўқитувчиси келажакда ўқувчиларга билим бериш билан бирга уларда маълум касб-ҳунарга оид кўникмаларни шакллантиради. Бунда берилган буюмларни тайёрлашда ўқитувчи юқори малака ва касбий маҳоратга эга бўлмоғи керак. Ушбу натижага эришиш учун билим ва кўникмалардан ташқари ўқитувчининг ўз синалган услуби, таълим ва тарбия орқали ўқувчиларга таъсир ўтказа олиш қобилияти бўлиши лозим. Дарс жараёнида ўқувчиларга билим бериш билан бирга уларда меҳнат қилиш кўникмаларини ўстириш ва меҳнат орқали тарбиялаш кўникмасига ега бўлишни талабаларга олий таълим муассасаларида шакллантириш лозимдир.

"Ўқувчиларни меҳнат ва касб оламига олиб кириш борасида "Технология" фани муҳим ўрин тутди. Унинг методикасини такомиллаштириш, моддий жиҳозини мустаҳкамлаш, мактабни ўз атрофидаги саноат ишлаб чиқариш соҳаси билан алоқасини мустаҳкамлаш, ижтимоий фойдали, унумли меҳнатни ташкил этиш, унинг тарбиявий иқтисодий самарадорлигини ошириш ва таълим билан қўшиб олиб бориш, ўқувчиларни меҳнатга тайёрлашни яхшилаш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Технология фани дарси мактабдаги бошқа фанлар учун умумий дидактик принципларни қўлласада, унинг ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуд. Ўқувчилар билиш фаолияти билан эмас, балки яратиш фаолияти билан шуғулланадилар.

**Технология** фанини ўрганиш материаллар, уларнинг хоссаларини ўрганишдан ҳамда ушбу материалларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб улардан турли буюмлар тайёрлашдан иборат бўлади. Ушбу жараён ўқитувчилардан технологик билимларни қўллаш, креатив ва техник фикрлаш орқали тайёр буюмларнинг сифат даражасини таҳлил этиш ва ўқувчиларга касбий билимларни сингдиришдан иборат.

Ўқувчиларни ёшлигидан меҳнатга ўргатиш келажак ҳаётлаида жуда катта самара беради. Бунда меҳнат кўникмалари билан бирга ўқувчиларда креативлик, техник билимлар, коллектив ижодкорлик каби қобилиятларни ҳам шакллантириш зарур.

ижодкорлик - бу маълум бир мавзу учун илгари номаълум нарсани яратишга, кашф этишга ҳисса қўшадиган фаолият. Яна бир нуқта ижодий фаолият кўлами билан боғлиқ. Ижтимоий амалиётда, қоида тариқасида, ижодкорлик кашфиёт, ихтиро, рационализация каби янгилик тоифалари билан ўлчанади. Сўнгги пайтларда ташкилий ва технологик жараёнларга янгилик киритиш билан боғлиқ инновацион (инновацион) фаолият ҳақида кўп нарсаяйтилди. Аммо бундай фаолиятни рационализация дэб аташ мумкин.

рационализация - мавжуд технологиялардан фойдаланишни яхшилаш учун (биз фақат техник муаммоларни ҳал қилиш билан боғлиқ жиҳатни оламиз). Шундай қилиб, биз буни айтишимиз мумкин: ихтирочи, биринчи навбатда, якуний эффект, функция, дизайнер - функцияни бажарувчи қурилма ва рационализатор билан қизиқади -тугалланган қурилмадан баъзи шахсий мақсадлар учун янада оқилона фойдаланиш.

Технология фани бизга таълим тизимининг янги соҳаларига қадам қўйишга бўлган имкониятлар эшигини очади. Бунга яна яққол мисол тариқасида меҳнат таълими фани технология фанига ўзгартирилган. Бунинг асосий сабаби меҳнат сўзи кенг маъно ва тушунчага эга бўлиб ёшларни ижтимоий фойдали меҳнатга ўргатиш хисобланади.

Хулоса қилиб технология таълими жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш орқали инновацион инфратузилмасини шакллантириш лозим. Лекин бу соҳада юқори даражага еришиш учун энг аввало моддий-техник база замон талабларига жавоб бериши лозим. Бу камчиликларни бартараф этиш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

-умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган амалдаги технология фани мазмуни, мустақил ҳаётда қўллаш имконияти бўлган технологик

саводхонликни, танқидий фикрлаш ва ижодкорлик компетенцияларини шакллантириш учун етарли эмас;

-технология фанини ўқитишда метапредмет компетенциялар ва фанлараро боғлиқликнинг камлиги;

-технология фани меъёрий ҳужжатларида баҳолаш мезонларининг фақат битирувчи компетенцияси учун ишланганлиги ва дарслик, ишчи дафтар ва ўқитувчи китоблари, мултимедиа иловалари, дидактик материалларнинг етишмаслиги;

-технология фани мазмунига мехатроника, робототехника, электротехника, автоматика, ардуино каби Ўзбекистон иқтисодиёти ривожини учун зарур бўладиган элементларнинг киритилмаганлиги бўлажак мактаб битирувчиси ва мутахассисларнинг касбий сифатларига салбий таъсир кўрсатмоқда;

-ўқувчиларда таълим олишга кучли мотивацияни шакллантириш учун ўқувчиларда замонавий техника, мехатроника, робототехника, электротехника, автоматика соҳасидаги тактил компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган жиҳоз ва ускуналарнинг етишмаслиги;

-технология фани моддий-техника базасини эскирганлиги, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланмаганлиги ҳамда бюджетдан маблағ билан таъминлаш бўйича етарли чоралар кўриш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилмаганлиги;

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

2. Ш.М.Мирзиёев. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан кураш. -Т.: "Ўзбекистон", 2017. - 488 б.

3. Ишмухамедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. Т.2004

4. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. Қарши.: Насаф. 2000.

5. Сайдахмедов Н. Янги педагогик технологиялар (назария ва амалиёт). -Т.: Молия, 2003.

6. Таълимнинг фаол усуллари. Услубий тавсиялар. ТВПКТМОИ. Т.2004.

7. Технология таълимини ривожлантириш стратегиялари модули бўйича ўқув-ўслубий мажмуа. Тошкент-2021

8. А.Абдуқодиров, Р. Ишмухамедов. "Таълимда инновацион технологиялар" Т.: 2008. - 128 б, 2022